

Ислом шариятида кулгига муносабат

15:01 / 22.04.2017 2741

Ҳаммамизга маълумки, инсон агар хурсанд бўладиган бўлса, одатда унинг чеҳрасида хурсандчилик аломати сифатида кулги пайдо бўлади. Бизнинг орамызда кулги деб ишлатиладиган бу атамани фикҳ уламолари уч қисмга бўлишган:

1. Қаҳқаҳа – инсон овоз чиқариб кулганда, ўзи ва ёнидаги бошқалар ҳам эшитадиган кулгидир.
2. Зиҳк – инсон кулганда овозини ўзи эшитиб, бошқа ёнидагилар эшитмайдиган кулгидир.
3. Табассум – ўзи ҳам ва бошқалар ҳам эшитмайдиган кулгидир.

Аммо, умумий ҳолатда зиҳк овозли кулгига, табассум эса овозсиз кулгига нисбатан ишлатилади.

Кулги икки ҳолатда бўлиши мумкин.

1. Инсон бирор нарсадан хурсанд бўлиб, кайфияти кўтарилган ҳолатдаги кулги. Бу кулги меъёрий ҳолда бўлса, шариятда рухсат этилгандир.
2. Бирор инсоннинг камситиш учун ёки обрўсини тўкишлик мақсадидаги кинояли кулиш. Муслмонлар ўртасидаги бундай кулги шариятда қайтарилган ишдир.

Аллоҳ таъоло Қуръони каримда шундай дейди:

اَلصَّحَّاحُ الْاَلِيَّوْنَ عَرِيْبًا وَالْوَّعْرِيُّ عَصُورًا عِيَالًا اَدْوَلًا اَنْتَلُوْا اَيَّ نُوْلٍ وَّقِيْوْ

“Улар: “Вой, шўримиз қурисин. Бу қандай китоб, кичикни ҳам, каттани ҳам ҳеч қўймай ҳисоб қилибди-я”, дерлар”. (Каҳф, 49-оят).

Имом Бағавийнинг тафсирларида, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ушбу оятдаги, **عَصُورًا** лафзи табассум, **عَرِيْبًا** лафзи эса, зиҳк маъносида бўлиб, бу кофирларнинг дунёда мўъминлар устидан масхара қилиб кулганларидир, деб тафсир қилганлар.

Ёки бошқа оятда шундай дейилган:

نُوكِحْضَي اُونَمَآ نِي دِلْا نِم اُونَاك اُوْمَرَجَآ نِي دِلْا نِإ

“Албатта, жиноят қилганлар иймон келтирганлар устидан кулар эдилар”. (Мутоффифун, 29- оят)

Юқоридаги оятларда кофирларнинг мусулмонларни ҳақорат қилиш ва уларни камситиш ҳолатидаги кулгилари баён қилинмоқда. Бундай бировга азият бериш ёки ҳақорат маъносидаги кулги, агарчи, мусулмонларнинг орасида бўлса ҳам мутлақо дуруст эмас.

مَلَسَوِ هِيَ لَعْلَلِا لَيْلِا لَوُسْرَ تِي أَرَامَ : تَلَا قَاهُ نَعْلَلِا لِي ضَرَّهَ شَائِعَ نَع
يُرَا حُبْلَاهَا وَرُ . مَسَبَتِي نَاك اَمْنِا وَتَاوَهْلُهُ نِم يَرَا يَّحَاك حَاضَا عَمَجَتِ سُم

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларини катта очиб, оғизларининг ичи кўринадиган даражада кулганларини кўрмаганман. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо табассум қилар эдилар”. Бухорий ривоят қилган

سَلَا حَت تَّنُكَا : هُنَعْلَلِا لِي ضَرَّهَ رَمَسِرْنِ بَرَبَا جَل تُلُق لَاقِ بَرَح نَب كَامَس نَع .
ي دِلْا هَالَصُم نِم مُوقِي آل نَاك أَرِي تَك مَعَن : لَاق مَلَسَوِ هِيَ لَعْلَلِا لَوُسْرَ
ي فَن وَدَحْأَي فَن وَتَدَحْتِي اُونَاك وَ مَاق تَعْلَطَا إِف سُم شَلَا غْلَطَت يَّحَا هِيَ ف ي لَصُي
مَلَسُم هَا وَرُ . مَسَبَتِي وَ نُوكِحْضَي فِ هِي لَهَا جَل رَمَآ

Симақ ибн Ҳарбдан ривоят қилинади: У киши айтдилар:

“Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳуга шундай дедим: “Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирганмисиз?” У: “Ҳа, У зот кўпинча (бомдод) намозини ўқиган жойларидан, то қуёш чиқмагунча турмас эдилар. Агар қуёш чиқса, ўринларидан турар эдилар. Саҳобалар эса, (ўринларидан турмасдан) ўзаро жоҳилият пайтидаги ишлар ҳақида гаплашишиб кулишар эдилар, У зот табассум қилар эдилар”. Муслим ривоят қилган.

مَلَسَوِ هِيَ لَعْلَلِا لَيْلِا لَوُسْرَ تِي بَابَا حَصَا نَاك لَه : رَمَعُنْ بَابَا لِي س : لَاقَا عَدَاتَق نَع
لِابَجَلَا نِم مَطْعَا مَوْبُولُق ي فَن اَمِي آلَا وَرُ , مَعَن : لَاق ؟ نُوكِحْضَي

Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши айтдилар:

Ибн Умарга савол берилди: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари кулишар эдими?” У: “Ҳа, иймон уларнинг қалбларида тоғдан ҳам каттароқ бўлган холларида кулар эдилар” дедилар.

Юқоридаги ҳадиси шарифлардан маълум бўлишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куладиган бўлсалар табассум қилганлар, агар бирор киши билан учрашсалар ҳам очиқ юз билан муомала қилганлар. У зотнинг саҳобалари ҳам ўзаро ҳазил-ҳузул қилишиб, кулишганлар. Лекин, меъёрни сақлаган ҳолатда кулишган. Бу кулгилари фақат зоҳирий ҳолатда бўлган, ботинлари эса иймон билан тўлиб тошган. Демак, ушбу ҳадислардан далилланган ҳолда табассум қилиш ва меъёрни сақлаган ҳолда кулиш ислом шариъатида мувоҳ ишдир. Лекин Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилинган ушбу ҳадисда кўп кулишдан қайтарилган.

نَافٍ، كَحَضَلَا أَوْثُكُتِ الْوَلَاقَ مَسَوَّيَّ لَعْلَلَا لَصَّيْبَنَّ لَانَعَّ عَزَّيْرُهُ بَابَ نَعَّ
رَأْحُ بَلَّهَ أَوْ رَبَّ لَقْلَلَا تِيْمُتَ كَحَضَلَا أَوْثُكُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кулгини кўпайтирманглар. Чунки, кўп кулги қалбни ўлдиради”, дедилар. Бухорий ривоят қилган

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўп кулишни ва уни одатга айлантириб олишдан қайтаряптилар.

Ҳужжатул ислом, Имом Ғаззолий шундай деганлар: “Кўп кулиш ва молудунё билан хурсанд бўлиш, инсоннинг томирларига сизиб кирувчи ўлдирувчи заҳар кабидир. У қалбдан хавф, ҳузн ва ўлим ва қиёматни эслашлик каби яхши хусусиятларни чиқариб юборади. Бу эса қалбнинг ўлишидир”.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бировни камситиш маъносида бўлмаган, меъёрдаги кулги ислом шариъатида ман қилинган эмас. Аммо, меъёрдан ошиб кетадиган бўлса, инсон қалбининг ўлишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай кулгидан сақланиш лозимдир.

Мадаминов Шокиржон, “Кўкалдош”

ислом билим юрти мударриси